

Тошкент Оқшоми

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 7 (10.564)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЙЎЛОВЧИ ТРАНСПОРТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда Тошкент шаҳри аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Автобуслар парки изчил янгиланмоқда, сервис хизмати тармоғи ташкил этилган ва бу йўловчилар ташиш хавфсизлигини ошириш имконини берадиган қўшимча транспортнинг янги, мунтазам йўналишлари очилди, метрополитеннинг Юнусобод йўналиши ишга туширилиши таъминланди, хусусий йўловчи ташувчилар кўрсатаётган хизматлар ҳажмини ошириш имконини берадиган қўшимча хизматлар йўловчи-хукукӣ база яратилди.

Шу билан бирга, жамоат транспортида аҳолига хизмат кўрсатиш тизимида бозор механизмларини жорий этиш жараёни суҳт бормоқда. Хусусий йўловчи ташувчиларнинг тендер савдоларида иштирок этишида ва йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишидаги турли чеклашлар транспорт хизматлари бозори ривожига тўсқинлик қилмоқда. «Тошша-хўйўловчи» акциядорлик компаниясида корхоналарнинг низоми жамғармасидаги давлат улушини қисқартириш бўйича мақсадли ишларнинг амалга оширилишига автобус парклари, ҳайдовчилар ва хизмат кўрсатувчи ҳодимларнинг йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, йўналишларда вақтида ва ишончли ҳаракатланиш ҳамда ҳаракатланувчи таркибни сақлаш ва йўловчи ташиш таннархини пасайтириш борасидаги мустақиллиги, моддий манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш имконини берадиган.

(Давоми 2-бетда.)

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2005 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2006 йилда амалга ошириш лозим бўлган устувор вазифаларга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

● Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Республика Давлат болалар кутубхонасида ўтказилган тадбир «Миллий армиямиз — фахримиз, ғуруримиз» деб номланди. Унда Марказий Офицерлар уйи ҳарбийлари ва пойтахтдаги маҳаллар фаоллари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этди.

● Наманган автомобиль мактабида ўтказилган «Миллий армиямиз Ватанимиз тинчлигининг мустаҳкам қафолати» мавзусидаги илмий-амалий анжуман умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежларидан келган чақирувга қадр бoшланғич тайёргарлик фани ўқитувчилари, ҳарбий хизматни ўтаётган аскар ва сержантлар ҳамда чақирққ ёшидаги йигитларнинг ҳақиқий мулоқотида айланиб кетди.

● Тошкентдаги Республика Миллий дизайн коллежида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар болаларининг «Болалар чизган эртақлар» мавзусидаги бадий кўргазмаси якунланди.

● Янги йил арафасида Халқаро молия корпорацияси (IFC) «Ўзбекистондаги тадбиркорлик муҳити — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар нигоҳида» деб номланган йиллик ҳисоботни эълон қилди. Унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган 3 минг тадбиркорнинг фикрлари баён этилган.

● Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Нафис» очик турдаги акциядорлик жамиятида чиннисозлар ҳар йили янги хил туркум маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишмоқда. Жумладан, яқинда корхонада сифини 1,7-2 литрли рўзғорбоп чойнақлар ишлаб чиқарила бошланди.

● Бухоро шаҳридаги театр жамоалари мактаб болаларининг киши таътили кунларида ўзларининг янги ишларини намойиш этмоқдалар. Жумладан, Бухоро Давлат кўргазма театри «Ўрмон эртаги» номли янги спектакли билан болаларни хушнуд этмоқда.

● Аньанга кўра Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги 2006 йил якунлари бўйича сўровлар қилиблари рўйхатини эълон қилди. Ўтган йили Венгрияда ўтказилган эркин кураш бўйича жаҳон чемпионатида голиб чиққан Дилшод Мансуров «Йилнинг энг яхши спортчиси» номинацияси бўйича голиб бўлди.

● Уйчи туманида «Машад» болалар спорт мажмуи фойдаланишга топширилди. 9-хўжалиқлараро механизациялашган кўча колонна бунёдкорлари томонидан барпо этилган янги спорт мажмуидида катта зал, 600 ўринли ўйингоҳ бир вақтнинг ўзида спортнинг 12 тури билан шуғулланиш имконини беради.

ЖАҲОНДА

● Украина ва Россия ўртасида яқиндагина рўй берган газ билан боғлиқ келишмовчиликлар гарчи муваффақиятли ечимини топган бўлса-да, Украина, айниқса унинг ҳокимияти учун оқибатсиз тугамади. Украина Радаси 250 овоз билан сўз вазири Юрий Ехануров бошчилигидаги ҳукумат истеъфосини тасдиқлади. Энди янги таркиб шакллантирилгунга қадр амалдаги ҳукумат ўз вазифасини бажариб туради.

● Австралиянинг Сидней шаҳрида сайёрамизга энг кўп миқдорда зарарли моддаларни чиқарувчи давлатлар вакиллари учрашуви бошланди. АҚШ, Ҳиндистон, Хитой, Япония, Жанубий Корея ва Австралия вакиллари Киото протоколи ваколатларидан ташқари об-ҳаво глобал иликлашувининг олдини олиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишмоқда.

● Туркияда парранда гриппи хасталиги қайд этилган ҳудудлар сони ортмоқда. Ушбу хавфли касаллик мамлакатнинг 16 музофотида аниқланди. Ҳозирда мамлакатдаги лабораторияларда шундай касаллик аломатлари сезилган юздан ортиқ кишининг қони текширилмоқда, 50 киши эса касалхоналарга ётқизилган.

● Санкт-Петербург шаҳрида январь ойининг дастлабки ўн куни давомида 130 нафар балиқчининг ҳаёти сақлаб қолинди. Гап шундаки, Фин кўлигида Мартишкино посёлкаси яқинида муз устида кенглиги 500 метр ва узунлиги бир неча километрга етувчи ёриқ пайдо бўлиб, муз остида балиқ тутиш ишқибозлари кутқарувчиларни уяли телефон орқали чақиршга муваффақ бўлишди.

● Кейинги бир неча кун ичида ҳароратнинг кескин пасайиши кузатилган Ҳиндистоннинг шимолий минтақаларида кучли совуқ тўфайли ҳаётдан кўз юмганларнинг сони 240 нафарга етди. Жамму ва Кашмир штатида эса барча кўлларнинг усти муз билан қопланди — бундай ҳолат мазкур минтақада кейинги 15 йил ичида кузатилмаган эди.

● 1981 йилда Рим Папаси Иоан Павел II га суиқасд уюштирган 46 ёшли туркиялик террорчи Али Агжа 25 йиллик қамоқ жазосидан сўнг авф этилди ва озодликка чиқарилади.

ЎЗБЕК-ҚОЗОҚ: БИР-БИРИГА ЕЛҚАДОШ ХАЛҚЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 10-11 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛИБ, ПРЕЗИДЕНТ НУРСҮЛТОН НАЗАРБЕКОВНИНГ ЎЗ ВАЗИФАСИНИ РАСМАН БАЖАРИШГА КИРИШИШГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА ҚАТНАШДИ.

Маълумки, 2005 йил 4 декабрь куни қўшни Қозоғистон Республикасида президент сайлови бўлиб ўтган эди. Бу курашда амалдаги Президент Нурсултон Назарбаев 91,02 фоиз овоз тўплаб, ғалаба қозонди.

2006 йилнинг 11 январь куни Остона шаҳрида янги сайланган Қозоғистон Президентининг инаугурация маросимида иштирок этиш учун турли мамлакатлардан келган давлат ва ҳукумат раҳбарлари, нуфузли сиёсат ва жамоат арбоблари, Қозоғистонда аккредитация қилинган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, жамоатчилик вакиллари йиғилдилар.

Н.Назарбаев ўзига ишонч билдирган Қозоғистон халқига, сайловни ташкил этиш ва ўтказишда кўмаклашган халқаро ташкилотлар вакиллари ва хорижий кузатувчиларга миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Президенти Ислам

Каримов Қозоғистон раҳбари билан учрашиб, уни сайловда эришган ғалабаси билан самимий қутлади, келгуси фаолиятида муваффақиятлар тилади. Н.Назарбаев юрак эътибор ва самимий табрик учун мамлакатимиз раҳбарига чўқур миннатдорлик изҳор этди.

— Қозоғистон сизнинг раҳбарлигинида улкан ўзгаришларни бошдан кечирди, — деди Ислам Каримов. — Давлатга бошчилик қилиш жуда мураккаб ва катта масъулият талаб этадиган вазифадир. Сайловдаги ғалабанинг Қозоғистон халқининг сизга бўлган юрак ишончидан далолат. Шунини алоҳида таъкидламоқчиманки, Қозоғистоннинг муваффақияти бизнинг ҳам муваффақиятимиз, Қозоғистоннинг муаммолари бизнинг ҳам муаммоларимиздир.

Биз доим елкадош бўлиб келганмиз. Хамиша халқ билан бирга бўлишгини, унинг ардоғида юришини тилайман.

— Дарҳақиқат, ўзбек ва қозоқ халқлари доимо бир-бирини суяб, бир-бирига таянч бўлиб келган, — деб таъкидлади Қозоғистон раҳбари. — Янги сайланган президент сифатида ўз вазифамни бажаришга киришар эканман, илк хорижий сафаримни Ўзбекистонга ташриф билан бошлашни мўлжалламакдман. Биз ҳамкорликда Марказий Осиёда интеграция жараёнини янада ривожлантиришимиз лозим. Бу борада Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Президентлар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар юзасидан фикр алмашар эканлар, ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда бундан бун ҳам изчил ривожланиб бораверишига ишонч билдирдилар.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент-Остона-Тошкент.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кун Янгиликлар, воқеалар

Каска
сатрларда

● **БЕКТЕМИР** туманидаги 3-кутубхонада **БУГУН** китобхонлар иштирокида ўтказилган тадбир «Миллий манфаатлар йўлида» деб номланди.

● **БУГУН** Республика ҳарбий лицейида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб «Маънавият ва маърифат» марказининг Миробод туман бўлими ҳамкорлигида тантанали тадбир уюштирилди.

● **ЭРТАГА** Юнусобод туманидаги «Зенит» очик акциядорлик жамиятида туман хотин-қизлар кўмитаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИХ туман бўлими ҳамкорликларида «Осмонимиз мусаффо бўлсин» мавзусида ўтказилаётган байрам тадбири Ўзбекистон Куролли Кучлари ташкил этилганлигининг 14 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланди.

● **БУГУН** Яқкасарой туманидаги «Дамарик» маҳалла гузарига «Яқкасарой-1», «Яқкасарой-2» ҳамда Абдулла Қаҳҳор маҳаллалари кичикойнақлари иштирокида «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши томонидан «Кўча арча» лойиҳаси доирасида уюштирилган Янги йил байрами кечасида қатнашчиларга совғалар берилди.

● **БУГУН** «Тинчлик-обод», «Фарҳод», «Найман», «Бирлик» маҳаллалари болажонлари учун «Камолот» ЁИХ Учтепа туман Кенгаши ташаббуси билан Арча байрами уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва
ўз мухбирларимиз
хабарларидан.



ЭЗГУ ОРЗУЛАР ИЖОБАТИ

**ВАТАНИМИЗНИНГ БОШ МАЙДОНИ ЙИЛДАН-ЙИЛ
КЎРКУ ЧИРОЙ ОЧИБ, АЖИБ МАНЗАРА КАСБ ЭТМОҚДА.
УНГА ТУТАШ «ТУРКИСТОН» САРОЙИ ЙИРИК ТАДБИРЛАР
ЎТКАЗИЛАДИГАН АСОСИЙ МАЖМУАЛАРДАН БИРИГА
АЙЛАНГАН БЎЛСА, ИСТИҚЛОЛ ВА МИЛЛИЙ
ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗНИНГ ЯНА БИР РАМЗИ - СЕНАТ
БИНОСИ МАЙДОНДАГИ УЛУҒВОРЛИКНИ ЯНАДА ОШИРДИ.
ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ МАЙДОНИ ҲАМ ХУДДИ ШУ ЕРДА
ЖОЙЛАШГАН.**

Буларнинг барчаси Мустақиллик майдонида келган ҳар бир ватандошимиз қалбидида истиқлол ғояларига садқат, Ватанимизнинг порлоқ келажаги йўлида фидойилик, ажодлар руҳига ҳурмат-эҳтиром туйғуларини жўш урдириши аниқ.

2005 йилда ҳам Мустақиллик майдонида қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси билан майдонга қираверишда Эзгулик аркаси барпо этилди. Кундузи офтобда, қош қорайганда эса беҳисоб чироқларнинг нурларида жилоланидиган музайян устунлар, уларнинг устидаги лойлақ турналар, Мустақиллик монументи сари одимлайдилар, унинг пойига гуллар қўйилар. Ўзларига, ўзгаларга бахт, элу юртимизга омонлик, хотиржамлик тилайдилар. Янги йил, янги ҳаёт, янги оила, янги эзгу туйғулар...

Ушбу табаррук маскан, ҳеч шубҳасиз, бутун халқимиз учун, авваламбор, ёшларимиз учун мўтабар кадамга бўлиб қўлишга ишонаман. Айни пайтда у хорижий меҳмонларимиз учун ҳам зиёратгоҳга айланади, деб умид қиламан, деган эди Президентимиз.

Бугун Мустақиллик майдонида ташриф буюрган киши давлатимиз раҳбарининг яна бир эзгу орауси амалда ижобатини топганига гувоҳ бўлади.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА
Сарвар Ўрмонов (ЎЗА)
олган сурат.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ислам Каримов Жаноби
Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Кириб келаётган Қурбон ҳайити муносабати билан Афғонистон халқи номидан Сиз, Жаноби Олийларига ва биродар Ўзбекистон халқига энг самимий табрикларни йўллашдан мамнунман.

Ушбу муборак айёмнинг баракотлари нури остида Яратгандан барча мусулмонларга тинчлик, дўстлик ва тараққиёт йўлида улкан муваффақиятлар ато этишини сўрайман.

Сиз, Жаноби Олийларига сийҳат-саломатлик, муваффақият ҳамда биродар Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик тиланган ҳолда ўзининг чўқур эҳтиромларини яна бир бор изҳор этаман.

Ҳомед ҚАРЗАЙ,
Афғонистон Ислам Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ислам Каримов Жаноби
Олийларига

Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Фаластин халқи, раҳбарияти ва шахсон ўз номидан самимий табрикларни йўллашдан мамнунман.

Ушбу айёмда қодир Аллоҳдан Сизнинг мамлакатингиз ва халқингиз ҳамда мусулмон умматига хайр-баракот ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Сизга яна бир бор сийҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига фаровонлик ва равақ тиланган ҳолда ўз эзгу истакларини изҳор этаман.

Махмуд АББОС,
Фаластин Миллий маъмурияти раиси,
Фаластин озодлик ташкилоти
Ижрия кўмитаси раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийларига!

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Сизни улуғ байрам - Қурбон ҳайити билан Ўзбекистонлик ҳожилар номидан чин дилдан муборакбод этамиз.

Мустақилликнинг илк йилларидан ома Ватанимиздан муборак хаж сафарига бораётган мусулмонларга яратиб берилаётган қўлай шароит Сизнинг миллий ва диний қадриятларимизга қўрсатаётган оталарча қамқўрлигингиз намўнасидир. Юртимиз фуқаролари манфаатини қўлаб қўлайётган хайрли ишларингиз халқумизни янада улкан зафарлар сари руҳлантирмоқда.

Аллоҳнинг инояти билан улуғ ибодатни адо этиш бахтига мушарраф бўлган биз, Ўзбекистонлик ҳожилар, Маккаи мукаррамадек муқаддас заминда туриб, Сиз раҳнамолик қилаётган мустақил юртимиз ҳамиса омон, элимиз тинч ва осойишта, турмушимиз фаровон бўлишини Яратгандан илтижо ила сўраб дуолар қилмоқдамиз.

Сиз, мухтарам Президент Жанобларига, яна бир бор самимий миннатдорлигимизни изҳор этиб, Аллоҳ таолодан Сизни, халқимизни ва гузал дёримизни ўз панохида асрашини тилаб қоламиз.

Ўзбекистонлик ҳожилар,
Макка шаҳри, Арафот водийси

2006 йил 9 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЙЎЛОВЧИ ТРАНСПОРТИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ТЎҒРИСИДА

(Давоми.Боши 1-бетда.)

Тошкент шаҳри аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш, барча мулкчилик шаклидаги йўловчи ташувчилар ўртасида ошқора рақобат учун қўлай шароит яратиш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифат стандартларига мос бўлиши ва йўналишларда ҳаракат жадвалларига риоя этиш даражасини ошириш, йўловчи ташималар бўйича буюртмачи ва пудратчи вазифаларини аниқ белгилаш, йўловчи транспорт ходимлари моддий манфаатдорлигини кучайтириш, ноишлаб чиқариш ва маъмурий-бошқарув харажатларини камайтириш мақсадида:

1. «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси Кенгагининг мазкур компанияни тугатиш тўғрисидаги қарори маъқуллансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорт агентлиги ҳамда Транспорт шаҳар ҳокимлигининг «Тошшаҳарйўловчитранс» АК негизда йўловчилар ташиш бўйича «Тошшаҳартранسخизмат» уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.
3. Белгилаб қўйилсинки: «Тошшаҳартранسخизмат» уюшмаси Тошкент шаҳар йўловчи транспорт соҳасида ишлаётган ҳўжалик жамиятлари, давлат, хусусий ва бошқа ташкилотларни шартнома асосида бirlаштиради, ўз фаолиятини мустақил юридик шахс сифатида тўлиқ ҳўжалик ҳисоби тамойиллари асосида амалга оширади;

«Тошшаҳартранسخизмат» уюшмаси «Тошшаҳарйўловчитранс» АКнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича, шу жумладан, амалдаги қонунчиликка мувофиқ тугатилаётган компаниянинг акциядорлари олдидаги мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вoриси ҳисобланади;

«Тошшаҳартранسخизмат» уюшмасига иловада қайд этилган тузилмалар киради.

4. Қуйидагилар йўловчилар ташиш бўйича «Тошшаҳартранسخизмат» уюшмасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳолининг шаҳар йўловчи транспорт хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш, йўловчи транспортнинг йўл ҳаракати хавфсизлигининг юқори даражасига риоя этган ҳолда, йўналишларда бир маромда ва ишончли ҳаракатини таъминлаш;

транспорт корхоналари мулк, шу жумладан автотранспорт воситаларининг сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланиш устидан мониторинг олиб бoриш, акциядорлик жамиятларига давлат активларини сотишда ёрдам кўрсатиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча йўловчи ташувчиларга шартнома асосида хизмат кўрсатувчи, шу жумладан таъминнинг барча турлари ва ҳаракатдаги таркибни модернизация қилиш ҳамда уларга сервис хизмати кўрсатиш бўйича транспорт инфратузилмасини ривожлантириш;

йўловчиларни ташиш хизматларига бўлган талаб, иқтисодий асосланган харажатлар ва йўловчи транспортнинг рентабеллигини оширишдан келиб

чиққан ҳолда, шаҳар йўловчи транспортда тарифларни шакллантиришда қатнашиш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

5. «Тошшаҳартранسخизмат» уюшмаси автобус парklarининг давлат активларини хусусий мулк сифатида сотиш механизминини ишлаб чиқиш бўйича Ишчи комиссия ташкил этилсин.

Ишчи комиссия бир ой муддатда:

2006-2010 йиллар мобайнида «Тошавтобустрaнс» компанияси автобус парklarининг давлатга тегишли акциялар пакетлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан жалб этилган ҳорижий кредитлар ҳисобига харид қилинган автобусларни, мулк қийматини баҳолаш, сотиш босқичлари, тўлов жадваллари ва инвесторларнинг давлат активларини сотиб олишдан манфаатдорлигини оширишга ёрдам берувчи механизмларни кўзда тутиш ҳолда, хусусий мулк қилиб сотиш тартиби тўғрисида;

жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида, йўл ҳақи тўлашни соддалаштириш, маблағларни тўлиқ йиғиб олиш ва хизмат кўрсатишдан тушган пулни яширишдан иборат суиестемолликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, жамоат транспортда йўл ҳақини тўлаш тизимини босқичма-босқич такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ва киритсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Транспортнинг

барча турларини мувофиқлаштириш марказини Тошкент шаҳар ҳокимлигининг таркибий бўлинмаси сифатида Йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментига айлантириш тўғрисидаги давлат активларини хусусий таклифи маъқуллансин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

барча транспорт турлари ҳаракатини мувофиқлаштириш, йўналишлар тармоғини тартибга солиш ва мақбул ҳолга келтириш, шаҳарда йўловчи ташиниш бўйича буюртмачи вазифасини бажариш, лицензиялар бeриш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда йўловчи ташиш йўналишларини қатъий тендер асосида белгилаш;

рақобат муҳитини вужудга келтириш ва барча йўловчи ташувчилар, шу жумладан хусусийлар учун транспорт хизматлари бозорида тенг шароит яратиш, жамоат транспорт иши натижаси ва самарадорлигини баҳолаш;

шаҳар автобус ва электр транспортда йўловчи ташиниш бўйича чекланган тарифларни белгилаш юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги молия идоралари билан келишилган такрифларни киритиш, уларга риоя этилишини назорат қилиш;

Тошкент шаҳрида йўловчи ташишнинг автоматлаштирилган бошқарув тизимини жорий

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 11 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК СОҲАСИНИ
ИСПОХ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР
ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий испохларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПФ-3709-Фармони ижросини таъминлаш ҳамда мева-сабзавотчилик ва узумчилик ширкатларини фермер ҳўжаликларига айлантириш, агросаноат фирмаларини ташкил қилиш ва мева-сабзавотчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 августдаги Фармоийишга асосан ташкил қилинган махсус комиссиянинг:

2006 йил биринчи чорагида мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер ҳўжаликларига айлантириш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин;

тугатилаётган қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари (ширкатлари) худудиде бoзoр ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини ташкил этиш бўйича таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, тугатилаётган қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари /ширкатлари/ негизда фермер ҳўжаликлари ташкил қилишда қуйидаги талаблар бажарилиши лoзим:

а) ер участкаси ижараси ҳақидаги шартномада белгилаб қўйилган мавжуд ихтисослашувни сақлаб қолиш;

б) фермерларнинг шартномага асосан боғ ва узумзорлардан, шунингдек, ажратилган лимит бўйича сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мажбуриятини олиш;

в) боғ ва узумзорларни сотиш тугатилаётган қишлоқ ҳўжалиги кооперативининг умумий йиғилиши қарори билан фақат ширкат пайчилари ва аъзолари ўртасида ўтказиладиган ёпиқ кимовиди савдосида амалга оширилиши мумкин.

3. Қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий испохларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси (Мирзиёев), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ўзғалиги вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» ХК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари:

а) 2006 йил 20 мартга бўлган муддатда фермер ҳўжаликларини ташкил қилишга даъвогарлар ўртасида ҳoлис ва ошқoра танлов, кимовиди савдолари ўтказишда жамоатчилик ҳамда фуқарo-

лар йиғини вакилларини жалб этиб, ҳаққонийлик, очкилик ва ижтимоий адолат талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ҳoлибларнинг аниқланишини таъминласин;

б) 2006 йил 15 апрелга янги ташкил қилинадиган фермер ҳўжаликлари билан қайта ишлаш корхоналари ўртасида мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етказиб бeриш тўғрисида шартномалар тузишни ташкил қилсин ва уларда ишлаб чиқаришни камиде 30 фоизгача аванс билан таъминлаш кўзда тутилсин;

в) ўн қўнлик муддатда тугатилаётган қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари /ширкатлари/ худудиде тузиладиган ишлаб чиқариш ва бoзoр инфратузилмаси объектларининг жoйи ва уларни ташкил этиш муддатлари белгилансин;

г) ширкатларни фермер ҳўжаликларига айлантириш натижасида тугатилаётган қишлоқ ҳўжалиги кооперативларининг бўшайдиган аъзоларини иш билан таъминлаш масаласини ҳал қилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳамда «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» ХК муассисларининг мазкур компанияни «Ўзузумсаноат-холдинг» холдинг компаниясига айлантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Қуйидагилар «Ўзузумсаноат-холдинг» ХК фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари деб ҳисоблансин:

а) истеъмол спирти ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича ягона техник ва технологик сиебатни амалга ошириш;

б) истеъмол спирти, ликер-арoқ ва вино маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш;

в) ташки ва ички бoзoрлар бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, корхоналарнинг янги турдаги рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга ва ташки бoзoрларга олиб чиқишга қўмақлашиш;

г) тармоқда ҳорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, чет эл инвесторларни иштирокида қўшма корхоналар ташкил қилишга ёрдам бeриш.

5. Манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда махсус комиссия томонидан ишлаб чиқилган, ходимларнинг умумий сoни 59 киши, жумладан, бошқарув ходимлари сoни 41 киши этиб белгиланган «Ўзузумсаноат-хол-

динг» ХКнинг ташкилий тузилмаси ва ижроия аппарати тузилмаси тасдиқлансин.

«Ўзузумсаноат-холдинг» ХК «Ўзмева-сабзавотузумсаноат-холдинг» ХК нинг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вoриси деб белгилансин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари зиммасига:

а) аҳоли зич яшайдиган турар жой мавзeларида ҳамда деҳқон бoзoрларида «дала-дўкон» тамойили бўйича ихтисослашган савдо шoхoбчалари ва дўконлари;

б) «Ўзузумсаноат-холдинг» ХК ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда фермер ҳўжаликларини тара идиллаш ва қадоқлаш материаллари билан таъминлаш тармоғи;

в) Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги билан биргаликда тугатилаётган мева-сабзавотчилик ва узумчилик ширкат ҳўжаликлари негизиде ташкил этилаётган фермер ҳўжаликларига транспорт хизмати кўрсатиш тармоғини ташкил қилиш бўйича шахсий жавобгарлик юклатилсин.

Ушбу банднинг бажарилиши ҳақида 2006 йил 1 апрелга Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот бeрилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

а) консерва саноати корхоналари ўз фаолиятини мустақил ҳўжалик субъектлари сифатида амалга оширади ва ихтиёрий равишда агросаноат фирмаси таркибига кириши мумкин;

б) агросаноат фирмалари ва мустақил қайта ишлаш корхоналари ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, техник қайта жиҳозлашга инвестициялар жалб этиш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш бўйича чoра-тадбирларни амалга ошириш, ички ва ташки бoзoрда маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, ўз маҳсулотини экспорт қилиш учун вилoят даражасида ихтиёрий равишда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчилар уюшмаларига бirlaшиши мумкин;

в) тугатилаётган қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари /ширкатлари/нинг виночилик пунктлари, мол-мулк қиймати белгиланган тартибда қoлганган ва тушган маблағлар тугатилаётган қишлоқ ҳўжалиги кооперативи /ширкати/нинг креди-

торлик қарзларини тўлашга йўналтирилган ҳолда, «Ўзузумсаноат-холдинг» ХК виночилик корхоналари ихтиёрига ўтказилади.

8. 2010 йилгача бўлган даврда қайта ишлаш корхоналарининг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашни ҳисoбга олган ҳолда, уларни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лoйиҳалари рўйҳати маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда, мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштириш, уларни экспорт қилиш бoрасида катта имкoниятга эга бўлган энг истикбoлли худудларни қамраб олган ҳолда, Мева-сабзавот маҳсулотлари ва узумини қайта ишлаш бўйича қўшма корхоналар ташкил этиш дастурини тайёрласин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги ПФ-3709-Фармонига кўра, давлат рўйҳатидан ўтган вақтдан бошлаб:

а) тугатилаётган ширкатлар негизиде ташкил этилаётган богдорчилик ва узумчилик фермер ҳўжаликлари ягона ер солигини тўлашдан - 5 йил муддатга;

б) янги ташкил этилаётган агросаноат фирмалари дарoмад (фойда) солиғи, ер солиғи, мулк солиғи, қўшилган қиймат солиғи (импортга қўшилган қиймат солиғидан ташқари), ягона солиқ тўлови тўлашдан - 3 йил муддатга oзoд этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Солиқ солишдан бўшайдиган маблағлар мақсадли равишда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини ривожлантиришга, боғ ва узумзорлар яратиш ва уларни кенгайтиришга йўналтирилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Ўзузумсаноат-холдинг» ХК ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгaртиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тақдим этсин.

11. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 11 январь

Иқтисодиёт

ЎТГА ЧИДАМЛИ
МАҲСУЛОТЛАР

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ОСИЁ-ЗАМИН»
ХУСУСИЙ КОРХОНАСИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН
РАҚОБАТБАРДОШ, ЎТГА ЧИДАМЛИ
МАҲСУЛОТЛАРНИ КЕЛГУСИДА МАҲАЛЛИЙ
ХОМ АШЁДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎЗДА ТУТИЛМОҚДА.

Чўнки ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган корвалон хом ашёсини корхонанинг ўзида тайёрлаш учун изланишлар олиб бoрилмоқда. Агарда хом ашё ўзимизда ишлаб чиқарилса, корхона тадбиркорлари томонидан тайёрланаётган ўтга чидамли маҳсулотлар бeмалол республикамиз эҳтиёжини қондириши мумкин. Айниқса, ушбу маҳсулотлардан чинни ва сопол буюмлар, турли хил плитчаларни ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш имкoнияти бўлиб, бу тадбиркорларимиз, кичик ва хусусий корхоналар учун нихоятда асқoтади. Маҳсулотдан тайёрланган турли қолиплар сифат ва самарадорлиқни таъминлашда, товарлар турларини кўпайтиришда, харидорғирлигини оширишда муҳим аҳамият касб eтaди.

— Келгусида изланишларимизни давом eттириб, — дейди хусусий корхона раҳбари И.Аббосов, — ишлаб чиқариш қувватини ошириш ниятидамыз. Бу бoрада бизга Президентимизнинг тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлашга, ишбилармонлар ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган қатор Фармон ва Қарорлари катта ёрдам бeриши, шубҳасиз. Чўнки бизнинг асосий буюртмачиларимиз ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларидир. Келгусида янги ишчи ўринлари яратишни ҳам режалаб турибмиз.

СИФАТГА ЭЪТИБОР

МАҲСУЛОТ СИФАТИ — ХАРИДОР
КАФОЛАТИ, ДЕСАК АСЛО МУБОЛАҒА
ҚИЛМАГАН БЎЛАМИЗ. ЧЎНКИ СИФАТЛИ ВА
РАҚОБАТБАРДОШ ТОВАРНИНГ БОЗОРДА ЎЗ
ЎРНИ, СОТИБ ОЛАДИГАН ХАРИДОРИ АНИҚ.
ШУ БОИС ҲАМ БЎЮРТМАЛАР КЎПАЙИБ
БОРАДИ.

Шунинг учун ҳам «SV CO LD» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари томонидан бир неча йиллардан буюн ишлаб чиқарилаётган черепицалар сифатига алоҳида эътибор қаратилади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган черепица қурилиш ашёси нафақат пойтахтимиздаги, балки республикамиз вилоятларидаги кўплаб замонавий турар-жой бинолари томини беэади, хусусий хонадонларда қўл кeлди.

Маҳаллий хом ашё — оддий кум ва цементдан замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган қурилиш ашёси кафолат муддати, совуқ ва иссиқ ҳавога бирдай чидамлилиги, ўрнатишга қулайлилиги билан ажрaлиб туради.

Корхона фаолиятининг эътиборга молик томони шундаки, бу ерда нафақат бунёдкорлик ишларида кенг фойдаланилаётган черепицалар, балки уларни ишлаб чиқариш учун кичик дастоҳлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Ушбу дастоҳлар кичик корхоналар учун нихоятда қўл кeлади.

Жойларда харидорларга қулайлик яратиш мақсадида республикамизнинг Хоразм, Самарқанд вилоятларида, Марғилон шаҳрида корхона филиаллари очилган бўлиб, буюртмалар ўз вақтида адо этилмоқда. Ҳозирда тадбиркорлар бошқа вилоятларда ҳам филиаллар очиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қўшимча ишчи ўринлари яратишга ҳам эътибор қаратишмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

“Тошкент оқшoми”га жавoб
бeрадилар

ДОИМИЙ
НАЗОРАТДА

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ГАЗЕТАСИНING 2005
ЙИЛ 7 НОЯБРЬ СOНИДА “АВТОБУС КУТИЕ”
САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА ЧОП ЭТИЛИБ, УНДА
ПОЙТАХТИМИЗДАГИ “2-АВТОБУС САРOЙИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИГА ҚАРАШЛИ 60-
АВТОБУС ЙЎНАЛИШИДАГИ КАМЧИЛИКЛАР
КЎРСАТИЛГАН ЭДИ.

“Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси бошқарув раисининг ўринбосари Т.Дадабоев имзoси билан мақoла юзасидан келган жавoб хатида қўрилган чoра-тадбирлар ҳақида шундай дейилади.

“Автобус кутиб» сарлавҳали мақoла компанияда тармоқ корхона раҳбарлари ўринбoсарларининг навбатдаги йиғилишида ва “2-Автобус сарoйи» акциядорлик жамиятида ҳайдовчи, чиптачи ҳамда техник-муҳандис ходимлар иштирокида ўтказилган мажлисда атрофлича муҳoкама қилинди.

Ҳақиқатан ҳам охириги пайтда 60-автобус йўналишининг иши, бириктирилган автобусларнинг техник ҳoлати, керакли микдордаги автошиналарнинг ўз вақтида харид қилинмаганлиги сабабли йўловчилар талабига жавoб бeрмаётган эди.

Танқидий мақoладан керакли ҳулoса қилиб, бугунги кунда йўналишга автобус ва ҳайдовчиларни бириктириш қайта кўриб чиқилди. Автобусларнинг техник ҳoлати кўриқдан ўтказилди, улар керакли эҳтиёт қисми ва автошиналар билан таъминланди. Ҳайдовчи ва чиптачилар билан йўналиш интизомига, оралиқ қатнов вақтига риоя қилиш, жадвал асосида ҳаракатланиш бўйича қўшимча йўриқнома ўтказилди. Йўналиш нoзилларига эса ушбу автобус йўналиши қатновини доимий назорат этиш топширилди.

60-автобус йўналишининг ишини талаб даражасида бўлишини таъминлаш “2-Автобус сарoйи» акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари Ф.Зoкиржoнов (тел: 196-66-42)га топширилди.


Шунингдек, газeтамизда 2005 йил 15 ноябрда эълон қилинган «Тил қoидaларига амал қилайлик» сарлавҳали мақoла хусусида ҳам «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси мутасаддилари шундай жавoб йўллашган:

«Абдуҳақхoр Муталoвнинг «Тил қoидaларига амал қилайлик» номли мақoласи компаниямизда кўриб чиқилди.

Тизимимиздаги автoтранспорт корхоналари раҳбари ўринбoсарларининг навбатдаги йиғилишида мақoладаги фикр-мулоҳaзалар, таклифлар кизгин муҳoкама қилинди. Натижада барча корхоналардаги автобус салонлари, айниқса 65,82,85-йўналишлардаги автобуслар кўздан кeчирилиб, имло хатoси бўлган эълон ва ёзувлар олиб ташланди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, барча автoсарoй раҳбарларига автобус салонларига ёзувлар битишдан олдин тилшунос мутахассисларга мурожаат этиш ўқитрилди.

Шарқ дурдоналари



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТ. Дили бузук, ўзгаларнинг поқдомон ва иф-фатли қиз ва жувонларига кўз олайтирувчи нопок киши-лар ҳақиқий разил ва ифлос кишилардир. Улар ўз қил-мишлари билан гуноҳ ботқоғига ботадилар.

Мухаммад Жавҳар ЗАМИНДОР
Парварши қилдим кўнгулни бир ўзимга ёр деб,
Бевафо ҳўбалари севди, бўлди хасми жон манго.

ОТОЙИ

Кўлдошингни ҳурмат қил,
Ўзгаларга юзлама.
Боқолмасанг товугинг,
Қуш боқай, деб сўзлама.

Маҳмуд ҚОШГАРИЙ

Махфий қолмасинким, парҳезгарлик варақаларини уш-лаб турувчи шерозанинг таянчи бу уйланиш ва покиза аёлларга совчи қўйишдир. Уйланиш ва покиза аёлларга муҳаббат қўйиш одамнинг кўнгил чирогини равшан бўли-шига ва кишиларнинг ҳаётдан баҳра топишига, таносил аъзоларининг саломатлигига сабаб бўлади!

Бархурдор ибн МАҲМУД

ҲИКОЯТ

Бор эди ҳарис мулла нобакор,
Шаҳват тўфонидан дили доим зор,
Қўлида ўқирди бир шогирди ёш,
Хар кун шогирдидан бу мулла бебош.
Онасига тинмай салом йўлларди,
Қани бир келса, деб доим ўйларди.
Бир кун дадасига деди онаси:
— Қулоқ солинг, тингланг дадаси,
Мулланинг кўнглида шум ният бор.
Боллаб таъзирини бермоқлик даркор.
Маълумингиз уйда бордир тегирмон,
Тегирмонга солинг неча қопда дон,
Тақдиф қилиб келай бунда муллани,
Тасодифан келиб қолинг-да сиз шунда.
Тегирмонга олиб кирай муллани,
Янчитиб олайлик барча галлани.
Эри рози бўлди келди мулла ҳам,
— Хуш келдингиз! — деди хотин ўша дам.
Бир дамгина улар бўлганда хушқол.
Эри тақиллатди эшикни дарҳол.
Хотин тегирмонга бошлади уни,
Мулла донни янчиб чиқарди унни.
Қўйналиб ҳориган бечора мулла,
Қайтиб келди уйга тун бўлган шалла
Эру-хотин қулиб бўлишдилар полда,
Галла ҳам янчилди, хона ҳам обод.
Маслаҳат қилишиб бир кун ногаҳон,
Ўгли ўқиш сари бўлганда равон,
Деди: «Даданг кетди бугун узоққа.
Муллага айт келсин тезда бу ёққа!»
Ғазби жўш уриб кетди-ю мулла,
Деди: «Яна олиб келдимиз галла!»
Онанга айтил мен эшшак эмасман,
На тупроқ, на галла гамин емасман!»

Мухаммад Жавҳар ЗАМИНДОР

Таҷрибалардан маълум бўлишича, чиройли хулққа эга бўлган аёлларнинг эрлари ҳам шундай хулққа эга бўлар эканлар. Аксинча ёмон хулққа эга бўлган аёлларнинг эр-лари ёмон хулққа эга бўлиб, уларда ёвузлик хислатлари пайдо бўлиб, бошқалар билан ҳам қўпол муомалада бўлар эканлар.

Оилавий масалада эр билан хотин ўртасида тотувлик ва маслаҳатлашиб иш тутиш бўлмаса, бундай оила азоб ва машаққат масканига айланади. Бундай оиладан лаззат ке-тади, роҳат йўқолади, болаларнинг тинчлиғи бузилади. Оила аъзолари ўртасида уруш ва жанжал чиқмаслигининг олдини олиш аёлларимизнинг вазифаларидир.

Эр билан мурося ва мадрода яшаш учун аёлларимизга қўйидаги икки нарсасга амал қилиш зарур. Биринчи, эр-нинг табиятини, мижозини ва хулқини билиш, шунга қараб муомала қилиш, масалан, эр нимадан кўпроқ хурсанд бўлса, ўшани қилишга уриниш зарур. Эрнинг ҳаракатларини би-лиш ва ўшанга асосланиб иш юритиш тотувлиқни келти-риб чиқарадиган муҳим омилилардан биридир. Иккинчи, вафодор, садоқатли ва ишбилармон аёллар ҳақидаги ҳикоя, шеър ва дostonларни кўп ўқиш, ёмон, хулқсиз ва беҳаё аёлларнинг қилмишлари ва унинг оқибатида турли хил болаларга гирифтор бўлганликлари тўғрисидаги воқеалар-дан ибрат ва керакли хулосалар чиқара олиш керак.

Олима ал-БАНОТ

Чунки ҳар ишда эшитган тенг эмас кўрган била,
Беҳуда тўю тамошо ичра боргонидин не ҳаз.
Бош оқаргон, тиш тўқулгон бир қари фартутга,
Сўхбати барно, жувони шўх жавлондин не ҳаз.

УВАЙСИЙ

Энг яхши аёллар шундай аёлларки, улар кўп фарзанд туғиб берадилар, эр билан мурося қилиб яшайдилар, эр-нинг қудрати етмайдиган нарсани талаб қилмайдилар, эр нимани соғва қилса, шукр чеҳрасини очиб, хурсанд қиладилар. Улар доимо эрнинг кўнглини оладилар, эрнинг муҳаббати қушини табассум билан сайд қиладилар, одоб ва ҳаё юзасидан эрнинг ҳузурни гулзоридида беҳуда сайр қилавермайдилар, эрнинг тоғганини саклашга ва сирла-рини очмасликка ҳаракат қиладилар. Агар кишига бахт мададкор бўлиб, ҳар томонлама қамолатга етган бундай хотинни тасарруфига киргиза олса, у одам шундай хо-тинини ўзининг бошидаги ғавҳар тожи деб ҳисоблаб, унинг олдида ўтказилган чаманзор айёмини ғанимат билмоғи керак. Чунки ҳеч қандай ҳаридор бундай қимматбаҳо неъматни даврон бозоридан ғайрат даллолининг ҳарака-ти билан ҳеч қачон қўлга киргиза олмайд.

Бархурдор ибн МАҲМУД

Ёрсиз эл охи ғамандуд эрур,
Ёнса ёғоч ёлғуз иши дуд эрур.

НАВОИЙ

Оқила хотин ўз эрининг ҳақиқий кўмақдошидир. Бун-дай хотин ўз эрининг сўзларини ҳеч вақт ерда қолдир-майди. Менсимасдан қарамайди. Уни ҳар бир ишда қўллаб-қувватлайди. Аммо оқила хотин эрга итот қилиш керак экан деб, эр бошлаган ҳар хил ҳаёқчи йўлларга юравер-майди, аксинча ўз эрининг ёмон ва жиноятга олиб бора-диган йўллардан қайтаради.

Бадхулқ ва беъмани эрга учраган аёлнинг асосий ва-зифаси шундан иборатки, у бор кучини сарфлаб, эри-нинг нотўғри йўлдан кетаётганини тушунтириши, унга ваъзу насихат қилиши, барча чора-тадбирларини қўла-ганда ҳам эрининг тузаллишига ишонч йўқ бўлган, ундан кўнгил узиши, қутулиш йўлини қидириши керак.

Олима ал-БАНОТ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
Ҳамидхон ҲОМИДИЙ
тайёрлашган.

ҲАММА ДАВРЛАРДА АЁЛЛАР ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЕТАКЧИ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ БЎЛИБ КЕЛГАН. МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ БИЛАН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ БЕҚИЁС ДАРАЖАДА ЎСИБ, КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА. УЛАР МАЪНАВИЯТ-МАЪРИФАТ НУРИНИ ТАРҚАТИШ БИЛАН БИРГА ИЛМ-ФАНДА ЎЗЛАРИНИНГ ИЖОДКОРЛИК ВА ЯРАТУВЧАНЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ЁРҚИН НАМОЁН ЭТМОҚДАЛАР. АЙНИКСА БУ БОРАДА ЁШ АВЛОДГА БЕРИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР ВА ИШОНЧ ТАҲСИНГА САЗОВОРДИР.

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси-нинг 2005 йил декабрдаги Раёсат йиғили-ши қарори билан Собир Раҳимов туманида-ги «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънави-ят ва маърифат» маркази қошида «Нафосат» қизлар клуби ташкил этилиши кўзда тутил-ган эди. Куни кеча «Нафосат» клубининг очи-лишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Кечани Тошкент шаҳар ҳокими ўринбо-сари, хотин-қизлар кўмитаси раиси, «Нафо-сат» қизлар клуби жамоатчиликл кенгаши ра-иси Фарида Абдурахимова кириш сўзи би-лан очиб жумладан шундай деди:

— Бизнинг юртимизда ёш қизларимиз-нинг келажақда доно, зукко, иболи, ҳаёли, изланувчан ва иқтидорли бўлишлари учун

барча шарт-шароитлар яратилган. «Нафосат» қизлар клубини ташкил этишдан мақсад ҳам талаба қизларимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини ошириш, репродуктив сало-матлик, соғлом турмуш тарзини шаклланти-риш, улар орасида лидер қизларни, Зул-фия номидаги Давлат мукофотиға номзод-ларни, ёш иқтидорларни аниқлаш, эстетик тарбияни шакллантириш, уларнинг онгда миллий қадриятларимизни эъозлаш ҳамда кийинши маданиятини шакллантириш, қиз-лар тарбияси, ахлоқ- одобига доир масала-ларни кўриб чиқиш, қизларимизни турмуш-га тайёрлаш, оилавий муносабатларда аёл-нинг тутган ўрни тўғрисидаги билимларини оширишдан иборат.

ТАЪТИП МАРОҚЛИ ЎТДИ

ПОЙТАХТДАГИ ИЖТИМОИЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖ БОЛАЛАР, ЁЛғИЗ ҚОЛГАН ҚАРИЯЛАР, МЕҲРИБОНЛИК УЙИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ ВА ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРНИ МАЪНАВ ҚЎЛЛАБ-ҚЎВВАТЛАШ, ҚИШКИ ТАЪТИЛ-ЛАРИНИ МАЗМУНЛИ ЎТКАЗИШ МАҚСАДИДА “КАМОЛОТ” ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ТОМОНИДАН МУТАСАДДИ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА “КАМОЛОТ” ДАН ЯНГИ ЙИЛИ” ЛОЙИҲАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ.

Бу борада ҳаракатнинг Шайхонтоҳур туман бўлими томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Уларни ўтказишда туман ҳокимлиги, “Махалла” жамғармаси, ички ишлар, халқ таълими бўлимлари, ҳудудий тиббиёт бирлашма-си яқиндан кўмак берди. Туманда жой-лашган 49та маҳаллада лойиҳа доира-сида янги йил тадбирлари ўтказилди. Маҳаллаларда истиқомат қиладиган 100дан ортиқ мижозли чекланган оила фарзандларига Қорбобо ва Қорқиз со-ғвалари улашилди. Шунингдек, маҳал-лалардаги боқувчисини йўқотган, кам таъминланган қарияларга ҳам соғвалар тақдим этилди.

КЕКСАЛАРНИ ХАЛҚИМИЗ ҚАДИМДАН УЛУҒЛАБ “ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ ЗАРИ БОР” ДЕБ УЛАРГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛИШИ, УЛАРНИНГ ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИБ, БОЙ ҲАЁТИЙ ТАЖРИБАСИДАН, ДОНО ЎГИТЛАРИДАН, ЭЗГУ НИЯТЛАР ЖАМЛАНГАН ДУОЛАРДАН БАҲРАМАНД БЎЛИШГА ИНТИЛИШ БЕЖИЗ ЭМАС.

Саховат

КЕКСАЛАР КЎНГЛИ КЎТАРИЛДИ

Хонадонимиз файзи бўлган нуроний ота-хонлар, фариштали онахонларни зиёрат қилган, икки оғиз ширин сўзи билан улар-нинг экисиз миннатдорчилиғига эришган ин-сон ўзини руҳан тетик, қалби поклангандек ҳис этади. Меҳр-оқибат кишиларни бирлаш-тириб, эзгу ишларга қорлайди. Айниқса 2006 йил “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” деб эълон қилинганлиги, савобли, эзгу ишлар-

Дикқат, янгилик!

«НАФОСАТ» КЛУБИГА МАРҲАМАТ

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Респуб-ликаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Рес-публика илмий-текшириш институти дирек-тори Дилбар Маҳмудова сўзга чиқиб оила-да тиббий маданиятни ошириш, оилага тай-ёрланиш репродуктив саломатлик бораси-да ҳам педиатрия институти клуб билан ҳам-корлик қилишга, керакли маслаҳатларни бе-ришга доимо тайёр эканлигини айтиб ўтди.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънави-ят ва маърифат» маркази раҳбари Олимжон Худойназаров «Нафосат» қизлар клубининг ташкилий тизимини яратиш борасида ша-ҳарчада жойлашган 14 та ётоқхона, айниқ-са қизлар ётоқхоналарида клуб бўлимлари-ни ташкил этиш кўзда тутилганлиги, бундан ташқари, барча ўқув муассасаларида «Қиз-лар клублари» фаолият юритиб келаётгани,

бундан мақсад талаба қизларнинг бўш вақт-ларини унумли ва фойдали ўтказилишига қаратилганлиги ҳақида сўзлади.

Тадбирда йиғилганлар «Нафосат» қизлар клубининг низоми, фаолият йўналишлари, унинг талабалар уйлари билан 2005-2006 ўқув йили учун мўлжалланган иш режала-ри билан таништирилди.

Талаба қизлар ўзларини қизиқтирган са-волларига тўлиқ жавоб олдилар.

Умид қиламизки, «Нафосат» қизлар клу-би келажақда қизларимизнинг энг сеvimли масканига айланиб қолади. Зеро, нафосат, гўзаллик, латофат, илму ҳунар, орасталик қизларимизга хос бўлган хусусиятлардир. Бу маскан эса бу борада қизларимизга ке-ракли ва фойдали ёрдамни дариг тутмайди.

Гулчехра ДУРДИЕВА



180 нафар нуроний кексаларга совға-салом-лар топширилиб, меҳр-муруват тадбирлари амалга оширилди ҳамда Муқимий номидаги мусиқали театрининг санъаткорлари, Тошкент эстрада-цирк коллежи ўқитувчи-мураббийла-ри ихросида ажойиб концерт дастури намой-иш этилди. Шунингдек, яна бир хайрли тад-бир Тошкент шаҳар онкология марказида амалга оширилди. Беморларнинг ҳолидан ха-бар олинди, эртақ қаҳрамонлари — Қорбобо ҳамда Қорқиз уларга совға-саломлар улашди ва қизикарли байрам маданий дастури билан бир олам завқ-шавқ бағишлади.

(Ўз муҳбиримиз)

СУРАТЛАРДА: мурувват тадбиридан

лавлалар.
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

лик соч толасига 50 та ҳошияли сўз ёза олган. Қалинли-ги атиги 90 микрон бўлган соч толасининг кесма кўнда-лангига “Жаҳонга тинчлик” деб ёзишга муваффақ бўлган.

НАЗАР ТАШПАСА БЎЛГАН...

Хитой Халқ Республикасида чоп этиладиган нуфузли “Ху-бей жибао” газетаси саҳифасида қизикарли лавҳа битил-ган. Ўн бир ёшли болакай ота-онасига бир назар ташлаб, уларнинг аъзои раисалари бўлиши юрак, жигар, ўпка ва ичакларнинг қандай жойлашганини, шакли, ўлчами ва ҳола-ти тўғрисида тўлиқ маълумотлар бера бошлаган. Унинг бундай хислатларидан огоҳ бўлган шифокорлар ўзларига мурожаат қилувчи мижозлари ва уларнинг аъзоларида қан-дай ўзгаришлар мавжудлигини билишга ошқидилар. Бола-кай икки ой мобайнида 105 беморни кўз воситасида “тек-шириб”, улардан 50 нафари жигар хасталигига мубтало бўлганлигини, 11 нафарида суюқлари синиб, жароҳатлан-ганлигини ва 40 нафар аёлларда эрта хомила ривожлан-ганлигини айтиб берган.

Маннон НАБИЕВ тайёрлаган

қилиб ташлаган шўх грек болалари янги ка-салхонага мурожаат қилган илк шикоятчи бўлдилар. Яқин йиллар ичида яғиршунослик ҳам шаклланса ажаб эмас!

ИПОН ЮТДИМИ?

«УЛКАН ИЛОН СУВДАН ЧИҚДИ, ШУ ЗАХОТИ ШЕРИГИГА ЎРАЛАШДИ ВА ЯНА КЎЛДА КЎРИНМАЙ КЕТДИ». ЖУФТ СОҚЧИЛАР ТАРКИБИГА КИРГАН ЁШ МИРШАБ РОЛЛАН КАСИНГА ЎЗ БОШЛИҚЛАРИГА ШУНДАЙ АХБОРОТ БЕРДИ.

Улар кечаси Танзаниядаги Руква кўли бўйида бораётган эдилар. Кейинроқ сув юзасидан мир-шаб кийимининг бир парчаси топилди, холос. Кўлда тимсоҳлар йўқ. Маҳаллий аҳолининг айтишича, улар майда жониворларни тутиб ей-диган улкан илони кенчурунлари бир неча мар-та қўрганлар, илгари ҳаддан ташқари баҳайбат махлук мавжудлигига ишонмаган эдилар.

ётган кўрғазмани Ўзбекистон мўйкалам ус-таларининг 2005 йил учун ўзига хос ижо-дий ҳисоботи дейиш мумкин.

Бу ерда турли жанрларда яратилган асарларни кўриш мумкин. М.Тошмуродов, Б.Бобоев, А.Мирсоатов, Н.Худоймуродов, Я.Салпинкиди ва бошқаларнинг асарла-ридаги бепеён далалар, кўм-кўк осмон, зилот сувлар, осмонўпар тоғлар акс эт-тирилган. Бу манзаралар кўзини қувонти-ради ва она табиятин асраб-авайлашга қақиради.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

ТАБИАТ ВА РАССОМ

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА
«ТАБИАТ ВА РАССОМ» КЎРГАЗМАСИ
ЎТКАЗИЛМОҚДА.**

Мана бир неча йилдирки, мазкур кўрғаз-ма аънавий бўлиб қолди. Бу бежиз эмас, чунки Ватанимизнинг бетакрор табияти ҳар доим рассомлар учун илҳом манбаи бўлиб келган. 400 га яқин асар намойиш этила-

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманида рўйхатдан ўтган “Нигора” муҳтожларга ёрдам берувчи масъулиятли чекланган жамияти тугатилди. Даъволар эълон чиққан кўндан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Манзил: М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, 3 “Б”-уй.
Тел: 133-49-71

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
5218 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2



**МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ**
Буюртма Г-308

**Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ**

**Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32**

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефониға мурожаат қилишнингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.